

АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАНИПУЛЯЦИОН СТРАТЕГИЯЛАР АҲАМИЯТИ

Нодира Азизовна МУСАЕВА

таянч докторант

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

an_nodira@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада манипуляциянинг нима эканлиги ва аудитория онгига таъсири даражаси, бунда ахборот агентликларининг тутган роли ва аҳамияти ўрганилади.

Таянч сўзлар: ахборот агентликлари, манипуляция, оммавий коммуникация, “Ассошиэтед Пресс”, аудитория фикри.

ВАЖНОСТЬ МАНИПУЛЯЦИОННЫХ СТРАТЕГИЙ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНФОРМАЦИОННЫХ АГЕНТСТВ

Нодира Азизовна МУСАЕВА

Базовый докторант

Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

an_nodira@mail.ru

Аннотация

В этой статье рассматривается что такое манипуляция и степень ее влияния на сознание аудитории, роль и значение информационных агентств.

Ключевые слова: информационные агентства, манипуляции, массовая коммуникация, Assoshieted Press, мнение аудитории.

Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичлариданоқ, одамларда бир-бирига таъсир кўрсатиш, ўз фикрини атрофдагиларга сингдириш эҳтиёжи вужудга келганини кузатамиз. Жамиятдаги ҳеч бир шахс ёки инсон ўз-ўзича, бошқалар босиб ўтган йўллардан юрмай туриб яшashi мумкин эмас. Мазкур табиий жараёнда кимдир бошқарувчи, кимдир бошқарилувчи вазифасини бажаради.

Немис файласуфи, неофрейдизм намоёндаларидан бири Эрих Фромм жамият вакилларининг ўзаро муносабатларини, одамлар устидан ҳукмронлик қилиш ёки аксинча, бирорлар измига бўйсуниш иштиёқини қўйидагича

таърифлаган: “...улар бошқаларнинг буйруқларига осонгина итоат қиладилар, гарчи бу ўзларига заар қелтирса-да. Қатъият билан айтилган ҳар қандай аҳмоқона фикрга эргашадилар, саркарда айтдими, бас, вайронкорликдан бошқа нарса бўлмаган урушга ҳам отланаверадилар... Ўз фикрларида событ турувчи, оломон иродасига қарши бора оладиган инсон, қоида эмас, кўпроқ истисно тарзида учраши мумкин”[6,56].

Шахс тафаккури, эътиқоди ҳамда қадриятларига ошкора ёки яширин босим ўтказиш, баландпарвоз сўзлар билан уни муайян ғояга оғдириш турли мақсадларни амалга ошириш учун кенг имконият эшикларини очади. Бунда оммавий ахборот воситалари билмай (кўпроқ тажрибага эга бўлмаган журналистлар) ёки билган ҳолда кенг кўламли ёрдамчи-воситачи вазифасини бажаради. Зоро, омма онгини бошқаришда медиа ва медиа технологиялари энг кулай ва тезкор воситадир.

Манипуляция сиёсий ҳамда коммуникацион технология сифатида ўз мавқеи ва ўрнига эга. Айни вақтда кимнингдир манфаатини ҳимоя қилмайдиган, аудиторияни у ёки бу фаолиятга (ёки фаолиятсизликка) ундамайдиган журналистни топиш жуда қийин. Ахборот олиш ва тарқатиш имкониятлари кенгайган, рақобат кучайган бир шароитда буни табиий ҳол деб қабул қилиш керак. Ахборот сиёсий ҳаётнинг ажралмас бўлагига айланиб бўлди ва у “давлат фаолиятида бошқарувчилик кучини сезиларли даражада намоён қилади. Бунда ахборот ҳам демократик ҳокимият манбаи, ҳам сиёсий тизим ва жараёнларни бошқариш омили бўлиб майдонга чиқади”[4,71]. Халқаро ахборот агентликларини кузатиш жараёнида юқоридаги жараёнлар авж олганини кўриш мумкин. “Ассошиэтед Пресс”, “Рейтерс”, “Итар Тасс” каби йирик ахборот агентликлари фаолиятида ахборот жамиятни бошқарувчи куч эканини ва ҳатто давлатлар ўртасидаги сиёсий жараёнларда ҳам роли мавжуд эканини кўриш мумкин.

Бевосита манипуляция сўзининг луғавий маъноси ҳам қандай бўлмасин эътиборни жалб қилиш эканини изоҳлайди. “Хорижий сўзлар луғати”да берилган маълумотга кўра, манипуляция (*фр. Manipulation* — лот. *Manipulatio*

— *manipulus*, яъни “*ҳовуч, сиқим*”) — 1) қўл ҳаракати, у орқали кўзланган мақсадни амалга оширмоқ; 2) кўзбойламачилик (*фокус кўрсатмоқ*), кўлнинг фавқулодда эпчиллиги эвазига томошабинлар нигоҳини шамгалат қилмоқ, бирлаҳза фикрлашдан тўхтатиб қўймоқ; 3) яширинча фирибгарлик, найранг сингари маъноларни англатади. Оммавий ахборот воситалари фаолиятида қўлланилиши нуқтаи назаридан, манипуляцияни “одамлар ақлини чалғитувчи”, “фикрни бекарор ҳолатда ушлаб турувчи куч таъсирига тушириш”, дея баҳолаш мумкин.

Ахборот агентликларида манипуляция жараёнлари ўзини қўйидагича намоён қилиши мумкин:

1. Агентлик таҳририятининг мафкуравий кўрсатмалари призмасидан ўтиш мумкин бўлган фақат маълум турдаги маълумотларни танлаш ва тақдим этиш.

2. Муайян тасвир ёки муҳитни яратиш учун мўлжалланган муайян мавзува ҳодисаларга кучли урғу (таъкид) бериш.

3. Ахборотни томошабинлар учун жозибадор бўлиши мумкин бўлган, лекин воқеалар моҳиятини тўлиқ акс эттирмайдиган шов-шувли ёки ҳайратланарли сарлавҳалар форматида тақдим этиш.

4. Маълум бир нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаш учун маълумотни фақат шундай нуқтаи назарни тасдиқловчи манбалардан фойдаланган ҳолда танлаш.

5. Миғларни яратиш ва ҳақиқатда унчалик аҳамиятли бўлмаслиги мумкин бўлган воқеаларнинг аҳамиятини ошириш. Бу томошабинлар эътиборини жалб қилиш ва кўришлар “лайк” босишлар сонини ошириш учун амалга оширилиши мумкин.

6. Ҳиссий қўзғатиш ва ёлғон дилеммалар яратиш каби манипуляция усулларидан фойдаланиш. Мисол учун, маълум бир нуқтаи назарни қўллаб-куватламаганларга “бефарқ”, деган айловни қўйиш. Бу тактика кўпинча гурухларнинг сафарбарлигини таъминлаш ва одамларни маълум бир фикр ёки мафкурага обуна бўлишга ишонтириш учун ишлатилади.

7. Ноқуладай фактларни ёки нұқтаи назарларни яшириш учун маълумотни бир томонлама тақдим этишдан фойдаланиш. Бу, шунингдек, маълум бир мағкурани қўллаб-қувватлаш ёки обрўсини ошириш учун ёлғон маълумотларни нашр этиш ёки сохталашибтирувчи фактларни ўз ичига олиши мумкин.

8. Оммани манипуляция қилиш учун унинг ҳис-туйғулари ва стереотипларидан фойдаланиш. Бу, шунингдек, жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш ва рационал таҳлилга эмас, балки ҳиссий таассуротга асосланган реакцияга сабаб бўлиш учун стереотиплар ва нотўғри қарашлардан фойдаланишини ўз ичига олиши мумкин.

9. Тарғибот орқали ҳақиқатга зид бўлган нотўғри қарашларни шакллантириш. У эркин фикрни бостириши ва ахборотга киришни чеклаши мумкин, бу эса эркинлик ва демократиянинг чекланишига олиб келади. Бундан ташқари, ташвиқот жамоатчилик фикрини манипуляция қилишга ва унинг йўналишини назорат қилишга уринаётган турли гурухлар ва ташкилотлар учун муҳим бўлиши мумкин.

Ахборот агентликларида кўриладиган манипуляция жараёнларига мисоллар:

1. Ахборотни танлаш. Ахборот агентликлари аудиторияга қандай маълумотларни тақдим этишни танлаш имкониятига эга. Улар тингловчиларда кўрқув ва хавотир ҳиссини уйғотиш учун энг салбий янгиликларни танлашлари ёки аксинча, иллюзия яратиш учун фақат ижобий маълумотларни тақдим этишлари мумкин. Маълумотларнинг бундай узатилиши истеъмолчиларда ҳақиқатга фақат бир томонлама қарашга олиб келиши мумкин.

2. Фрейминг. Бу ахборотни манипуляция қилиш усулларидан бири, унинг талқин қилиш доирасини ўзгартиришdir. Ахборот агентликлари аудиторияни маълум эътиқод ва фикрларга ишонтириш учун маълум иборалар ва атамалардан фойдаланиши мумкин. Масалан, “хужжати йўқ муҳожирлар”

ўрнига “ноқонуний мухожирлар” атамасини қўллаш томошибинларнинг ушбу гуруҳдаги одамларни салбийроқ қабул қилишига сабаб бўлиши мумкин.

3. Манбаларни танлаш. Бу ахборотни манипуляция қилишнинг яна бир усули бўлиб, маълум бир нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайдиган манбаларни танлашдир. Бунда ахборот агентликлари объективроқ маълумот бериши мумкин бўлган бошқа манбаларни ҳисобга олмайди. Бу талаб қилинадиган маълумотларнинг бузилишига ва ҳодисалар ёки фактларнинг нотўғри тақдим этилишига олиб келиши мумкин.

4. Туйғулардан фойдаланиш. Бунда маълумотни манипуляция қилиш ҳиссиётлардан фойдаланиш орқали содир бўлиши мумкин. Масалан, қўрқув ёки ғазабни уйғотадиган сўзларни ишлатиш.

5. Контекстга эътибор бермаслик. Бунда ахборот манипуляцияси маълумот тегишли контекстсиз тақдим этилганда содир бўлиши, бу эса унинг маъносини бузиши мумкин. Масалан, сиёsatчининг нутқидан керакли парчанинг ўзи кесиб олиниши натижасида бутун нутқнинг маъноси ўзгариши ва унинг позициясини нотўғри ёки бузилган қилиб кўрсатиши мумкин.

6. Фактларни рад этиш, Бунда ахборот манипуляцияси тасдиқланган фактларни инкор этиш ёки эътиборсиз қолдиришни ўз ичига олиши мумкин, бу эса обуначиларда нотўғри таассурот қолдириши ва вазиятни нотўғри баҳолашга олиб келиши мумкин.

Юқорида келтириб ўтилганларнинг барчаси ҳам ахборот агентликлари фаолиятида мунтазам учраб турмаса-да, бироқ глобал ахборот жамиятида омон қолиш учун ўз манфаати йўлида нохолисликка йўл қўйилаётганини, ахборотни бузиб кўрсатиш, ёки нотўғри маълумот узатиш каби ҳолатларни ҳам учратиш мумкин Шунингдек, тадқиқот давомида яна бир ҳолат аниқланди. Яъни, ахборот агентликлари номидан ёлғон (фейк) ёки текширилмаган ахборотни тарқатиш ҳолатига ҳам дуч келинди. Ахборот агентликлари тарқатган маълумотларни чоп этаётганда, агентлик номи келтириб ўтилиши кераклиги маълум. Бироқ агентлик номидан дезирформацияга йўл қўйиш жиноят ҳисбланди. www.malaysianow.com

сайтига жойланган мақолада[12] “Франс Пресс” ахборот агентлиги номидан коронавирус оқибатида ҳалок бўлғанлар, фаолияти тўхтатилган ташкилотлар ҳақида хабар берилади. Биз бу маълумотларни излаб, агентлик сайтини кўздан кечирдик. Афсуски, айнан шундай маълумотни топмадик. Бироқ, агентликда пандемияга оид миллионлаб хабарларни учратиш мумкин. Агар ҳар бир хабар ва маълумотни текширадиган бўлсак, бизда вақт ҳам, имкон ҳам мавжуд эмас. Аммо, пандемия туфайли ҳалок бўлғанларнинг сони беркитилгани ёки сир тутилгани ёхуд аксинча, кўрилаётган талафотлар ва инқирозлар бўрттириб кўрсатилган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бу вазиятда миллий ахборот агентлигимиз холисликни афзал кўрди. Халқаро агентлик веб-сайтларида пандемия тўғрисида кунига юзлаб ахборотлар, хабарлар жойланадиган бир пайтда миллий агентликларимиз сайтида жамият ижтимоий ҳаёти акс этган материаллар орасида бу огоҳликка чақиравчи хабар сифатида ёритилди.

Аксарият рус олимлари, С.Кара-Мурзанинг манипуляция ҳақидаги қарашларини қўллаб-қувватлаган ҳолда Ғарб, хусусан, Америка ОАВни “онгни заҳарловчи машина”, “рухий террор воситаси” каби таърифлар билан ёнма-ён қўяди, аудиторияни эса ахборотни пассив қабул қилувчи кишилар уюшмасидан иборат, деб ҳисоблайди: “Муваффақиятли манипуляциянинг биринчи (эҳтимол асосий) шарти шундаки, қўп ҳолларда фуқароларнинг аксарияти хабарларнинг тўғрилигидан шунчаки шубҳаланиш учун на руҳий ва ақлий қуввати, на вақтини сарфлагиси келади. Чунки, пассив равишда ахборот “оқими” билан бирга “сузиш”, ҳар бир сигнални танқидий нуқтаи назардан қабул қилишга қараганда анча осон”[5,20].

Ахборот хуружлари уюштириш айбини океан орти мамлакатига юклаб қўйиш “амалиёти” миллий журналистикамизда, айниқса, интернет сайтларида ҳам яққол қўзга ташланади. “... қўп қутбли дунё тобора реаллашиб бормоқда. Лекин Ғарб ўша қўп қутбли дунёни ҳам ўз таъсир доирасидан чиқариб юбормасликни истайди ва манфаатларини ўз чегарасидан минглаб чақириб нарида ҳимоя қилиш учун жуғрофий сиёsat юргизади”[7].

“Маълумки, аксарият Ғарб журналистлари бирёқлама танқидга ҳийла ўч бўлади. Шов-шув, сенсация хукмрон бўлган мухитда кимнидир бадном этиш, шаънини ерга уриш, одатий ҳол ўлароқ қабул қилинади. Баъзиде эса бунга холислик ва жонқуярлиқдан кўра ғаразгўйлик майллари кўпроқ аралашади”[3]. Шов-шувли ҳамда сенсация хабарларига ўчлик ҳиссини Россия ахборот агентликларида кўпроқ кузатиш мумкин. Шунингдек, Россия оммавий ахборот воситалари мамлакатлар борасида, айрим ҳолларда жуда кескин ва бир томонлама фикрлайди ва баъзан бу тескари натижага олиб келиши ҳам мумкин. Масалан, лавозимидан туширилган Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиевни “сиёсий мурда”га қиёслаш, Қирғизистонни эса “кашшоқ Осиё мамлакати”[9] деб аташ – ахлоқ нормалари жихатидан тўғри эмас.

Манипулятив технологияларнинг асосий ютуғи шундаки, улар инсон ҳуқуqlари ёки журналистлик фаолияти билан боғлиқ қонунларнинг ҳеч бирига зид эмас. Фуқароларнинг ахборот олиш, сўз ҳамда фикр эркинлиги барча демократик давлатлар конституциясида, хусусан, Инсон ҳуқуқлари декларациясида ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинларни тўғрисида”ги қонунида ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат ҳимоясида эканлиги таъкидланган. Шунингдек, худди шу Қонуннинг 9-моддасида “Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат ахборотни беришлари мумкин эмас”[1], дея қайд этилган. Бироқ, ахборотни узатиш жараёнида қайсиadir фактга урғу бериб, бошқасини эътиборсиз қолдириш, мазмунан бир-бирига яқин сўзлардан фойдаланиш, оммани у ёки бу ғоянинг тўғрилигига ишонтириш ҳеч бир ҳуқуқий ҳужжат ёки қонунда тақиқлаб қўйилмаган. Айнан шу ҳолат орқали халқни эргаштира олишни ўзбек миллий ахборот агентлигига кузатиш қийин бўлсада, бироқ жаҳон ахборот агентликлари бу жараёнда етакчилик қилмоқда. Кўпгина

мутахассислар ушбу масаланинг ечими миллий ОАВ фаолиятига боғлиқ деб ҳисоблайди: “глобал ахборот маконидаги ахборотнинг аксарият қисми ижтимоий онгга, шахс, жамият ва давлатга салбий таъсир этувчи – “манфаат ташувчи”, манипулятив ахборот эканлиги билан тавсифланади. Демократия шароитида глобал инфомакон жугрофий-сиёсий қарама-қаршилик майдонига айланади ва бу вақтда миллий ахборот тизимининг бош вазифаси – шахс, жамият ва давлатни мазкур майдоннинг салбий таъсиридан саклаш бўлади”[4,71].

Албатта, турли жамоаларда индивиднинг руҳий ҳолати ҳам турлича ўзгаришини ҳисобга олиш керак. С.Московичи бу борада қуйидаги хулосаларга келади:

- 1) аудитория - ижтимоий воқеликдир;
- 2) индивидлар омманинг таъсири остида у билан қоришиб, яхлит бирликка айланади;
- 3) онгга сингдириш(гипноз) — омма етакчисининг асосий қуролидир [10].

“Омманинг тафаккури, гарчи теран бўлмаса-да, ўзи яшаётган тузумга хос хусусиятларни акс эттириб боради. Оддий ҳалқ ҳар қандай барқарор тузумнинг ҳукмрон мафкурасига хос плюрализмга мойил бўлади. Шу боис, мавжуд тузумга нисбатан оммавий норозиликлар тарихда жуда кам учрайди. Кўпинча бундай норозиликлар ижтимоий мафкура (тафаккур) даражасида эмас, балки ижтимоий психология (кайфият, ҳис-ҳаяжон) кўринишида юзага чиқади ва баъзан вазиятга қараб амалда стихияли ғалаёнлар, қўзголонлар, инқилобий ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга айланиб кетиши мумкин. Бироқ бу ҳолатлар тафаккур эркинлигини эмас, аксинча, қарамлигини кўрсатади”[8,69].

“Синхуа”, “Ассошиэтед Пресс” каби йирик ахборот агентликлари айнан муваффақиятли манипуляциядан фойдаланган ҳолда ўз ҳалқини ўз ахборотига ишонишга мажбур қиласди. Ҳар қандай ахборотни ўзи учун фойдага ишлатишни кўзлайди ҳамда бунга эришади. “Муваффақиятли манипуляцияга

эришиш учун аудиториядаги диққат интенсивлиги ва мувозанати каби омилларни инобатга олмоқ зарур. Улар инсонларнинг ёши, касби, малакаси ҳамда ақлий тайёргарлигига боғлиқ. Шунингдек, манипуляторнинг техник базаси ҳам ўта муҳим. Масалан, бир вақтнинг ўзида мусиқа, матн ва ҳаракатдаги визуал тасвирларни узатиш орқали телевидение юқори даражадаги таъсир кучига эга бўлади. Унда томошабин диққатини жамлаш, тарқатиб юбориш ва бир обьектдан бошқасига олиб ўтиш имконияти мавжуд”[2,56].

Оммавий коммуникация воситалари, шунингдек, ахборот агентликларининг кенг қамровли фаолияти онгга таъсир этиш орқали амалга оширилади. Бироқ, бу билан ОАВ – манипуляцион ускуна деган хulosага келиш нотўғри. Ҳар қандай ахборот инсон онгиға етиб боргач, унга озми-кўпми таъсир кўрсатади. Гоҳида ҳатто қуруқ фактларнинг ўзи ҳам кишилар тасаввурини ўзгартиришга хизмат қиласди. Ёлғон ахборотларни ижтимоий тармоқларда тез тарқалиб кетишининг олдини олиш учун ҳам ахборот агентликларидан олинган ахборот ишончли ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ахборот агентликлари ахборотнинг ишончли манбаидир.

Мақсадлари нуқтаи назардан, манипуляцияни қуидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

1. Тижорий мақсадларни кўзда тутган манипуляция.
2. Давлатнинг ички сиёсати (уни қўллаб-қувватлаш ёки қоралаш) билан боғлиқ манипуляция.
3. Бошқа давлатлар устидан сиёсий ҳукмронлик ўрнатиш йўлидаги манипуляция.

ОАВнинг айни пайтдаги фаолияти асосан шу уч турдаги манфаатлар химоясидан иборат, десак, хато бўлмас. Албатта, булар орасида энг кўп тарқалгани – тижорий манипуляция ҳисобланади. “Тижорий ва сиёсий характердаги ахборот истеъмолчиға аксарият ҳолларда “бепул” тақдим этилади, чунки уни тайёrlаш ва аудиторияга етказиб бериш жараёни “буюртмачи”лар ҳисобидан амалга оширилади. Истеъмолчи эса бироз

кейинроқ, реклама қилинаётган товарни харид қилиш ёки таклиф этилаётган ғояларни ҳаётда қўллаш орқали “товор” тўлайди”[11].

Ахборот, у қанчалик объектив бўлмасин, барибир инсон онгига, қарашларига таъсир этади. Демак, манипуляция табиий жараён, кўп ҳолларда у табиий равишда, ўз-ўзидан вужудга келиши ҳам мумкин. Бунинг учун маҳсус технологияларни ишлаб чиқишга, минглаб илмий асарлар яратишга хожат ҳам йўқдек кўринади, аслида.

Ғарб мутахассислари ва тадқиқотчилари манипуляция қилишда шаклланган тенденцияларни таҳлил қилиш, уларнинг оқибатларини олдиндан кўриш катта аҳамият касб этишини таъкидлайди. Улар манипуляцияни моҳиятган теран тушунган ҳолда унинг технологиялари давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида кенг қўлланилаётганини инкор этмайди. Шу сабабли, мазкур феноменни ўрганишга ва уларни чуқур таҳлил қилишга эътибор қаратадилар. Зеро, сўз ва ахборот ёрдамида манипуляция қилиш одамларни бошқаришнинг энг осон ва самарали йўлларидан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот агентликлари турли усувлар билан жамоавий онгни назоратда ушлаб туришга хизмат қиласи ва унинг бу вазифаси бугун пайдо бўлгани йўқ. ОАВ аввалданоқ онгга йўналтирилган мақсадли таъсир этиш воситаси эди. Бугунга келиб, таъсир этишнинг янгича технологиялари, усувлари пайдо бўляпти холос. ОАВ мажбурлаш, босим ўтказиш эмас, айнан оғдириш, эътиборни жалб қилиш, руҳий-эмоционал таъсир ўтказиш усувларидан фойдаланмоқда. Оммани руҳий босим остида ушлаб туриш, даҳшатга солиш, ишонтириш, фактларни бир томонлама ёритиш, “бузиб” кўрсатиш, фикрни бир ахборотдан бошқасига чалғитиш, кераксиз маълумотларни бериш, кўнгилочар, эмоционал таъсири жуда юқори бўлган дастурларни узатиш ва бошқалар шулар жумласидан.

Бугунги глобаллашув даврида оммавий ахборот воситаларининг манипулятор сифатидаги имкониятлари янада кенгайди. Манипулятив механизmlар ахборот урушларининг ажralmas қисмига айланиб ултургани ҳар

бир ривожланган мамлакатда бу мавзуга оид илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилишини тақозо этмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари түғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрель Қонуни. WWW.Lex.uz
2. Доценко Е. Л. Психология манипуляции. Феномены, механизмы, защита. – Москва, 1996.
3. Ёқубов С. Ахборот жамияти: ҳаёлот эмас, ҳақиқат // Tafakkur, 2007. – № 4.
4. Каримов Ф. Демократия ва миллий ахборот тизими // Tafakkur, 2010, – № 2. – Б. 71.
5. Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. – М.осква: Эксмо, 2003.
6. Фромм Э. Духовная сущность человека. Способность к добру и злу. – Москва, 1988.
7. Низомов Ф. Манфаат ва холислик // Tafakkur, 2009. – № 3.
8. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги // “Tafakkur, 2005. – № 2. – Б. 69.
9. Юрьев В. Киргизии помогут наши военные? // АиФ, 2010. – №25.
10. www.coob.ru/moskovichi_s/
11. <http://www.33333.ru/public/manipula.php?st=2>
12. “Global Covid-19 death toll passes 2 million”, January 16, 2021 7:22 AM//<https://www.malaysianow.com/out-there-ow/2021/01/16/global-covid-19-death-toll-passes-2-million>